Андижон лафзи асли Андигон бўлса керак. Бу Форсистондан кўшулгондур. Чунончи, «бандигон» ёки «мардигон» дегандек, форсийда «гон» — «лар» ўрнида, «мардлар» ёки «озодагон» - «озодалар» деган сўздек, «Андигон» - «андилар» деган сўз. «Анд» турк уругини(нг) ўзбекларини айтур. Бул хам форсийлар тарафидин айтилгон бўлиб, асли Андижон форсийлар, яъни эронийлар кулига ўтмасдан аввал хам бор эди. Чунончи, тарихи «Кутадгу билик»да ёзибдурки, Ўгузхоннинг Хиндустонга юргонининг зикрида айтур. Ўгузхон тамоми лашкари мўгуллар илан Талас ва Сарём келди. Тошканд ва Самарканд ва Бухоро подшохлари саф тортиб уруша билмайдилар. Улуг шахар ва махкам калъаларга беркиндилар. Ўгузхон Тошканд ва Сарёмни ўзи камаб олди. Туркистон ва Андижонга ўглонларини юборди. Онлар 6 ойда Туркистон бирлан Андижонни олуб, атоси хизматига келдилар, дейдур. Яъни Ўгузхон замонида хам Андижон шахар экан. Бу исм ила машхур экан. Ўгузхон Бўкухонни(нг) саккизинчи бобосидур. Яъни Бўкухон Афросиёбни(нг) мўгулча исмидир. Афросиёб лакаби фарран осиё деган сўздур. Фаргонани Афросиёб бино килди. Фаргонадан аввал Кубо бино бўлди, Кубодни(нг) вактида. Аммоки Андижонни(нг) кайси подшохни(нг) биноси эканлигига мўътамад тарих ва маълумотимиз бўлмагандан бул тарихларга иктифо килинди.

Тарихи «Кутадгу»дан мустафод бўлурки, Андижон тўрт минг йилдан мукадцам, яъни Ўгузхон вактида шахар бўдся андан аввал хам ободон шахар экан. Ўгузхон хазрати Нух алайхиссаломни(нг) тўккузунчи ўгилларидур. Валхосилки, Андижон Фаргона шахарлари ичинда энг аввалги ва кадимийдур. Андин Афросиёб вактига келганда, Афросиёб Турон подшохи бўлиб, Андижонни пойтахт килиб, Кўникдар шахридин гохо Тошканд ва Андижон келур экан. Аммоки, афвохи носда кариялар сўзидурки, Андижон асли Одинажондур. Одинажон Афросиёбни(нг) кизидурки, анга ўрда ва бог бино килиб бериб, ани(нг) исмига тасмия килиб эди. Одинажонни тилда бузуб, аглоти авом ила Андижон килган, дейдурлар. Бар хар боб бир эски шахар бўлуб, неча мартаба бузулуб, яна обод бўлуб, табодули замон ва инкилоби овон илан тузалуб, бузулуб, обод бўлган эски шахардур. Аммоки, «Тарихи фаришта»да ёзилибдур-ки, Умаршайх ўгли Бобурхон Андижонга саккиз юз тўксон тўккузунчи хижрийда ўн икки ёшида подшох бўлди. Тарихи валодатига шул тарика назм килибдур. Назм:

Андар шаши мухаррам, зод он шахи мукаррам, Тарихи мавлидаш хам омад «шаши мухаррам»1.
Аммоки, Умаршайх Мирзо душанба куни 14-мухаррам рамазонда 899 хижрийда кабутархона томидан йикилиб мархум ўлдилар. Бобур Мирзо баиттифоки умаро подшох бўлди. Ул вактда Ахси подшохи Узун Хасан подшох эди. Аммо Фаргонада Хасан Яъкуб подшох эди, дейдур.
1030 хижрийдаги зилзилада Ахсикент бузулган. Зилзилада Андижон хам бузулган эди. Яна андин буён Русия тасарруфига ўтгандан сўнг тезрок ободликка кадам кўйган эдики, 1316 хижрийда бўлган зилзила хаммани(нг) маълумидур. Анда яна зилзила бўлуб, бузулуб, хукуматдан имдодлар бўлиб, аввалгидан неча даража обод бўлган. Мундан аввалги ободликни билмак бўлган киши «Бобурнома» тарихини кўрса бўлур.
Ерларини(нг) хосилдорлиги, саноатлари хаммаси Фаргона бобида ёзилиб ўтди, такрорга хожат кўрулмади. Бинобарин, сўзимиз татвил этмай, каноат этдук.

Исхок тўра ИБРАТ, "Тарихи Фаргона"